ISSN: 2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛ

ТАДҚИҚОТЛАР ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛИ

3-СОН

МАРТ, 2023

IMFAKTOR PAGES

ISSN: 2181-4031
DOI Journal 10.56017/2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛЬНЫЕ
ИССЛЕДОВАНИЯ
НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ
НОМЕР-3

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ

3-СОН

FUNDAMENTAL STUDIES
SCIENTIFIC-PRACTICAL JOURNAL
VOLUME-3

ТОШКЕНТ - 2023

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР
илмий-амалий журнали
№ 3 (2023) DOI http://dx.doi.org/10.56017/2181-4031-2023-3

Бош муҳаррир:
Тураев Б. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Масъул муҳаррир:
Расулова Д. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Таҳририят аъзолари:
Кенжабаев А. – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Расулова Д. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент
Саттаров О. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент
Исҳоқов М. – тарих фанлари доктори, профессор
Абдуҳалимов Б. – тарих фанлари доктори, профессор
Каримов Б. – тарих фанлари номзоди, доцент
Мадумаров Т. – юридик фанлар доктори, профессор
Қодиров Б. – юридик фанлар доктори, доцент
Қиличев Х. – юридик фанлари бўйича фалсафа доктори
Баҳодиров Р. – фалсафа фанлари доктори, профессор
Саифназаров И. – фалсафа фанлари доктори, профессор
Идиров У. – сиёсий фанлар доктори, профессор
Абдуллаев Н. – сиёсий фанлар номзоди, доцент
Сатторов А. – сиёсий фанлар номзоди, доцент
Умаров А. – социология фанлари доктори, профессор
Матибаев Т. – социология фанлари доктори, профессор
Каюмов К. – социология фанлари бўйича фалсафа доктори

Мазкур фанлараро илмий-амалий журнал Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2022 йил 22 декабрь куни **№ 054837**-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи: Абдураҳмон Хасанов

Таҳририят манзили: https://imfaktor.uz, 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй.
Телефон номер: +99894-410 11 55, **E-mail:** tahririyat@imfaktor.uz

© IMFAKTOR Pages, 2023 йил.
© Муаллифлар жамоаси, 2023 йил.

ISSN: 2181-4031
www.imfaktor.uz

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

Иқтисодиёт фанлари

ҲАЙДАРОВ Нурбек Хасанович
Инновацион ривожланиш агентлиги,
бўлим бошлиғи, мустақил тадқиқотчи

ТЕМИРОВ Сардорбек Пулатович
Инновацион ривожланиш агентлиги,
бош мутахассис, мустақил тадқиқотчи
https://10.5281/zenodo.77477701

ГЛОБАЛ ИННОВАЦИЯ ИНДЕКС РЕЙТИНГИНИ БОШҚАРУВ ИНСТИТУТЛАР ЙЎНАЛИШДАГИ КЎРСАТКИЧЛАРИ, МАВЖУД МУАММО ВА УНИНГ ЕЧИМИ ЮЗАСИДАН ТАКЛИФ ВА ТАВСИЯЛАР

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада давлатимизнинг 2022 йилда Глобал инновацион индекс рейтингидаги бугунги кундаги ўрни, рейтингнинг бошқарув институтлар йўналиш бўйича кўрсаткичларни холати, 2026 йилга қадар мамлакатимизни поғонасини янада ошириш бўйича амалга ошириш зарур бўлган ишлар, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари батафсил ёритилган.

Калит сўзлар: глобал инновацион индекс, инновация, индикатор, рейтинг, стратегия, инфратузилма, институт, ислоҳот.

ANNOTATION

This article describes in detail the current position of our country in the Global Innovation index rating in 2022, the status of the indicators of the rating in the direction of management institutions, the work that needs to be done to further increase the rank of our country by 2026, the existing problems and their solutions.

Key words: innovation, global innovation index, indicator, ranking, strategy, infrastructure, institution, reform.

АННОТАЦИЯ

В данной статье подробно описывается текущая позиция нашей страны в рейтинге Глобальном инновационном индексе в 2022 году, состояние показателей рейтинга в направлении институтов управления, работа, которую необходимо провести для дальнейшего повышения рейтинга нашей страны. к 2026 г. существующие проблемы и пути их решения.

Ключевые слова: Глобальный инновационный индекс, инновации, индикатор, рейтинг, стратегия, инфраструктура, институт, реформа.

Бугунги кунда пандемия ва дунёдаги мураккаб вазиятнинг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий барқарорлигига салбий таъсирни олдини олиш ва жаҳон бозорида мамлакатимизнинг иқтисодий рақобатдошлигини таъминлаш мақсадида ҳалқаро илғор тажриба ва технологияларга асосланган инновацияларни давлат ва ҳусисий секторда кенг жорий этишни талаб қилмоқда.

Инновацион экотизимни барқарор ривожланиши учун зарур институционал шарт-шариотларни яратиш, жумладан инновацияларни рағбатлантиришга қаратилган сиёсий, ҳуқуқий ва бизнес мухитни такомиллаштириш ва бу йўлдаги ислоҳотларини давом эттириш давр талаб ҳисобланади.

Ўтган йиллар давомида мамлакатимизда инновацион тизимини ташкил этувчи асосий институтлар аниқланди, инновацион фаолиятнинг чегаралари, элементлари ва иштирокчилари белгиланди, илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинди, инновацион салоҳиятни шакллантириш ва янада такомиллаштиришнинг самарали механизмлари ишлаб чиқилди, норматив-ҳуқуқий асослари янгиланди.

“Инновация–бу келажак дегани. Биз буюк келажагимизни барпо этишни... айнан инновацион ғоялар асосида бошлашимиз керак. Инновацион ривожланиш ва рақамли иқтисодиёт йўлига ўтишимиз бежиз эмас. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат ютади” [1].

Умуман олганда Глобал инновация индекси (Индекс) - ҳар йил эълон қилинадиган инновациялар соҳасидаги рейтинг бўлиб (2022 йилда 132 та давлатни қамраб олган), иқтисодий ривожланишнинг турли даражаларида бўлган мамлакатларнинг инновацион ривожланишини баҳоловчи халқаро тадқиқот нашридир.

Мазкур рейтинг 2007 йилдан буён Корнелл университети, INSEAD бизнес мактаби ҳамда Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ) томонидан ишлаб чиқилиб, маълумотлар ҳар йили нашр этиб келинмоқда. Индекс 7 та йўналиш ва 21 та гуруҳга бўлинган ҳолда 81 та кўрсаткичларни ўз ичига қамраб олади.

Мазкур Индекс кўрсаткичларининг 15 тасини халқаро индекслардан, 4 тасини Жаҳон иқтисодиёт форуми томонидан ўтказиладиган сўровномалардан ва 61 тасини тегишли халқаро ташкилотларнинг миқдорий статистик маълумотлар базасидан ҳамда бошқа тадқиқ этиш йўли билан ҳар йилнинг октябрь ойидан кейинги йилнинг февраль ойи якунига қадар умумлаштириб, мамлакатлар рейтингини тузади.

2022 йил рейтингда етакчи мамлакатлар асосан Швейцария бошчилигидаги Европа давлатлари бўлиб, 2-ўрин АҚШ ва 10-ўринни Дания давлатлари эгаллаган. Ўзбекистон рейтингда биринчи маротаба 2012 йилда 141 та давлатлар орасида 127-ўринда эътироф этилган, 2020 йилда Ўзбекистон 8 йиллик танаффусдан сўнг 34 та поғона кўтарилиб 131 та давлатлар орасида 93-ўринни эгаллади. 2022 йилда 132 та давлатлар орасида 82 ўринда қайд этилди.

I- жадвал

Давлатларнинг ГИИдаги йиллар доирасида ўсиш жадвали [2].

№	Давлатлар	2012 (141 та давлат)	2013 (142 та давлат)	2014 (143 та давлат)	2015 йил (141 та давлат)	2020 йил (131 та давлат)	2022 йил (132 та давлат)
1.	Швейцария	1	1	1	1	1	1
2.	Англия	5	3	2	2	4	4
3.	Сингапур	3	8	7	7	8	7
4.	Жанубий Корея	21	18	16	14	10	6
5.	Хитой	34	35	29	29	14	11
6.	Япония	25	22	21	19	16	13
7.	Россия	51	62	49	48	47	47
8.	Қозоғистан	83	84	79	82	77	83
9.	Ўзбекистан	**127**	**133**	**128**	**122**	**93**	**82**
10.	Қирғизистон	109	117	112	109	94	94

Юқоридаги жадвалдан кўришимиз мумкин, мамлакатимиз сўнги 10 йилликда ГИИ рейтингида факат ўсиш бўлганини, яъни 45 поғонага ўсганлигини кўришимиз мумкин.

ГИИ рейтингининг асосий йўналишлари 1) Бошқарув институтлари 2) Инсон капитали ва илмий-тадқиқотлар 3) Инфратузилма, 4) Бозор ривожланиши, 5) Бизнесни ривожлантириш, 6) Билим ва технологиялар, 7) Ижодий маҳсулотлар.

Шу муносабат билан, мазкур мақолада ГИИ нинг асосий йўналишлари, яъни биринчи Бошқарув институтлари йўналиши, ушбу йўналишда кирадиган 7 та индикаторда мамлакатимизни балли ва ўрни, мавжуд муаммолари ҳамда 2026 йилга келиб мамлакатимиз Индекс рейтинги бўйича жаҳоннинг 56 та илғор мамлакати қаторига киришига эришиш учун амалга ошириш лозим бўлган муҳим таклиф ва тавсияларни илгари суриш мақсад қилинган.

Ушбу мақолада ГИИнинг Бошқарув институтлари йўналишини 7 та кўрсаткични қамраб олиб, ҳар бир кўрсаткичнинг ҳисоблаш учун керак бўлган маълумотлари, рейтингдга кўтарилиши учун талаблари, ўрни, маълумот йиғувчи халқаро ташкилотлар очиб берилади.

II-жадвал

Бошқарув институтлари йўналиши бўйича кўрсаткичлар ҳолати

Т/р	Кўрсаткичлар	2022 йил бали	2022 йил ўрни	Ҳисоблаш методи	Ҳисоблаш учун керак бўлган маълумотлар	Маълумот йиғувчи халқаро ташкилот
1. Бошқарув институтлари йўналиши						
1.1	**Сиёсий муҳит гуруҳи**					
1.1.1	Сиёсий ва операцион барқарорлик (Political and operational stability)	65.5	74	Сўровнома	Зўравонлик билан ҳукуматни ағдариш эҳтимоли, жумладан, сиёсий жиҳатдан зўравонлик ва терроризм борлигига эҳтимолни акс эттиради.	World Bank World Governance Indicators
1.1.2	Ҳукуматнинг самарадорлиги (Government effectiveness)	38.8	98	Сўровнома	Давлат ва давлат хизматларининг сифатини ва уларнинг сиёсий босимдан мустақиллик даражасини, сиёсатни шакллантириш ва амалга ошириш сифатини ва ҳукуматнинг садоқатининг ишончлилигини акс эттиради.	
1.2	**Меъёрий муҳит гуруҳи**					
1.2.1	Норматив сифат (Regulatory quality)	21.3	123	Сўровнома	Ҳукуматнинг хусусий секторни ривожлантиришга имкон берадиган ва кўмаклашадиган сиёсат ва қонунларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш қобилиятини акс эттиради.	World Bank World Governance Indicators
1.2.2	Ҳуқуқ устуворлигини ошириш (Rule of law)	18.5	123	Сўровнома	Шартномалар қоидаларига риоя қилиш, мулк ҳуқуқлари, полиция ва судларнинг сифатига ишонч даражасини ва жиноятчилик ва зўравонлик эҳтимолларини акс эттиради.	
1.2.3	Ишдан бўшаш билан боғлиқ харажатлари (Cost of redundancy dismissal)	69.2	22	Сўровнома	Ходимларни қисқартириш туфайли ишдан бўшатилган тақдирда хабарнома муддати ва узил-кесил тўлов миқдори.	World Bank Doing business

1.3	Ишбилармонлик муҳити гуруҳи					
1.3.1	Бизнесни қўллаб-қувватлаш сиёсати (Polices of doing business)	96.2	8	Сўровнома	Берилган мамлакатда янги хусусий корхонани яратиш ва рўйхатдан ўтказиш қулайлигини баҳолаш.	World Bank Doing business
1.3.2.	Тадбиркорлик сиёсати ва маданияти Entrepreneurship policies and culture	Маълумот берилмаган	Маълумот берилмаган	сўровнома-	Берилган мамлакатда бизнес экспертлари томонидан сўнгги 5 йилдаги тадбиркорлик сиёсати ва маданиятининг ўртача баҳоланиши.	Global Entrepreneurship Monitor

Бошқарув институтлари йўналишининг биринчи **Сиёсий ва операцион барқарорликни ривожлантириш** (1.1.1 Political and operational stability*) кўрсаткичи Жаҳон банки томонидан соҳа доирасида сўровнома ўтказиш йўли билан ўрганилади. Ҳозирги вақтда мамлакатимиз 74-ўринда, 2026 йилда 50 ўринни эгаллаши шарт. Бу мақсадга эришиш учун мазкур кўрсаткич доирасида қуйидаги ишларни амалга ошириш талаб этилади [3]

Мазкур йўналиш бўйича хориж давлатларининг тажрибасини таҳлил қилсак, Сингапурнинг 2022 йил рейтинг натижалари бўйича Бошқарув институтлари йўналиши кўрсаткичлари бўйича дунё бўйича биринчи ўринни эгаллаб келмоқда.

Сингапурнинг бошқарув институтлари йўналиши бўйича энг муҳим кўрсаткичлари

III-жадвал

Т/р	Кўрсаткичлар	Сингапур 2022 йил ўрни	Ўзбекистон 2022 йил ўрни
1.	Сиёсий ва операцион барқарорлик	1	80
2.	Ҳукуматнинг самарадорлиги	1	99
3.	Норматив сифат	1	126
4.	Ишдан бўшаш билан боғлиқ харажатлари	1	90

Қонун устуворлиги, пухта ўйланган бошқарув, ишончли суд тизими ва мустаҳкам ҳуқуқий институтлар томонидан қўллаб-қувватланган, мустақил Сингапурнинг омон қолиши ва муваффақиятининг асосидир[1].

Юқоридаги 3-жадвалдан кўриниб турибдики, мамлакатимиз ва Сингапурнинг ўртасидаги ГИИ нинг бошқарув институтлари йўналиши бўйча фарқ, энг муҳими Сингапру 4 та йўналишда дунёда биринчи ўринга турибди.

1967 йилда Бош вазир Ли Куан Юнинг Сингапур Адвокатлар жамиятида сўзлаган нутқида “*Сингапурнинг мустақил давлат сифатида қонун устуворлигини ўрнатиш ва қўллаб-қувватлаш йўлини белгилаган кўплаб мавзуларни бирлаштирди. Асосий тамойил: қонун устуворлиги нафақат идеал, балки миллат ва унинг институтларини қуриш ҳамда бошқариш учун пойдевор сифатида ҳам муҳимдир*” деб таъкидлаган [4].

Сингапур давлати бошқарув институтлари йўналишида сиёсий жараёнининг асосий фаоли сифатида давлат, фуқаролик жамияти, сиёсий партиялар ҳамда жамоат ташкилотлар билан ҳамкорлик мустахкам йўлга қўйилган, мамлакатда ахборот технологиялар ва электрон ҳукумат бошқарув тизими жорий қилинган, бунинг натижасида рейтингда давлатни очиқлик ва ошкороликни ўсишига сабаб бўлган.

Қонун устуворлиги Сингапурнинг иқтисодий фаровонлиги ва миллий ривожланишини мустаҳкамлаб, бизнесни ҳуқуқий ишончи ва инвестициялар хавфсизлигини таъминлашга ҳизмат қилиб келяпти десак муболаға бўлмайди.

Сингапур тажрибасидан келиб чиқиб, юқоридаги кўрсаткичлар бўйича ахборот технологиялари ва электрон ҳукумат экотизимини янада ривожлантириш, коррупцияга қарши курашишга замонавий ахборот тизими, жумладан сунъий интеллект технологияларини жорий этиш, коррупцияга қарши курашда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, жамоатчилик назоратини олиб боришни кучайтириш, вилоят депутатлар маҳалий Кенгашлари ҳамда ҳокимларнинг ваколатларини аниқ белгилаш, бир-бирини такрорлайдиган вазифаларни қискартириш ҳамда рақамлаштириш орқали янада очиқликни таъминлаш усувой вазифалар ҳисобланади.

Энг муҳими тавсиялардир бири “IHS Markit” ташкилоти вакиллари билан алоқалар ўрнатиш, сиёсий муҳит барқарорлигини таъминлаш мақсадида бизнес операцияларига таъсир қиладиган сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, солиқ, операцион ёки хавфсизлик хавфларининг эҳтимоли ва жиддийлигини пасайтириш концепциясини ишлаб чиқиш тавсия этилади.

Иккинчи кўрсаткич. Ҳукуматнинг самарадорлиги (Government effectiveness) кўрсаткичи Жаҳон банки томонидан сўровнома ўтказиш йўли билан ўрганилади. Ҳозирги вақтда 98-ўринни ташкил этмоқда, 2026 йил 74-ўринни эгаллаши шарт, унинг учун қуйидаги ишларни амалга ошириш зарурдир [5].

Бунга эришиш учун ҳукуматнинг хусусий сектор ривожланишига рухсат берувчи ва рағбатлантирувчи асосли сиёсат ва қоидаларни ишлаб чиқиш, давлат улушига эга тижорат банкларида трансформация жараёнларини якунлаш, 2026 йил якунига қадар банк активларида хусусий сектор улуши 60 фоизгача чиқариш, иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш ва хусусий сектор учун кенг йўл очиш мақсадида эксклюзив ҳуқуқларни бекор қилиш ва давлат иштирокидаги компанияларни хусусийлаштириш ҳисобига 25 дан ортиқ фаолият турлари бўйича монополияларни тугатиш, давлат бошқарувини номарказлаштириш ишларини жадаллаштириш ҳамда давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш ҳамда Давлат хизматларини рақамлаштириш ва уларнинг 20 фоизини хусусий секторга ўтказиш зарурдир.

Учинчи кўрсаткич. Норматив сифат (Regulatory quality) бўлиб, Жаҳон банки томонидан сўровнома ўтказиш йўли билан ўрганилади. Ҳозирги вақтда 123-ўринни ташкил этмоқда, 2026 йил 99 ўринни эгаллаши шарт, унинг учун қуйидаги ишларни амалга ошириш зарурдир [6].

Бунга эришиш учун қонунчилик ҳужжатларида замонавий технологияларга, масофавий, рақамли ва бошқа замонавий шаклларда амалга оширилаётган фаолиятга тўсқинлик қилаётган талаб ва шартларни қайта кўриб чиқиш ва тегишли соҳаларда фаолиятни амалга ошириш учун қулай ҳуқуқий шароитларни яратиш, иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш ва хусусий сектор учун кенг йўл очиш мақсадида эксклюзив ҳуқуқларни бекор қилиш ва давлат иштирокидаги компанияларни хусусийлаштириш ҳисобига 25 дан ортиқ фаолият тури бўйича монополиялар тугатиш, давлат бошқарувини номарказлаштириш ишларини жадаллаштириш ҳамда давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

Тўртинчи кўрсаткич. Қонун устуворлиги кўрсаткичи (Rule of law) Жаҳон банки томонидан сўровнома ўтказиш йўли билан ўрганилади, ҳозирги вақтда мамлакатимизни кўрсаткичч 123 баллни ташкил этмоқда, 2026 йил 99 ўринни эгаллаши шарт, унинг учун қуйидаги ишларни амалга ошириш зарурдир.

Бунга эришиш учун мамалакатимизда “Ақлли тартибга солиш” модели элементларини қўллаш доирасида қонунчилик ҳужжатларининг тартибга солиш таъсирини баҳолашни ривожлантириш ва кенгайтириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг янги қиёфасини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини халқ манфаатлари, инсон қадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишга йўналтириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда жиноятлар ҳақида хабарларни ҳисобга олиш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, жиноятларни яшириш ҳолатларининг олдини олишда замонавий усуллардан фойдаланиш, мулкий ҳуқуқларнинг дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш ҳамда давлат органларининг мулкий муносабатларга ноқонуний аралашувини чеклаш, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан самарали суд назоратини ўрнатиш ҳамда фуқаро ва тадбиркорлик субъектларининг одил судловга эришиш даражасини ошириш.

Бешинчи кўрсаткич. Ишдан бўшаш харажатлари бўлиб, (Cost of redundancy dismissal) Жаҳон банки томонидан сўровнома ўтказиш йўли билан ўрганилади. Ҳозирги вақтда 73-ўринни ташкил этмоқда, 2026 йил 49-ўринни эгаллаши шарт, унинг учун қуйидаги ишларни амалга ошириш зарурдир.

Бунга эришиш учун 2022 йилда эълон қилинган Глобал инновацион индексидаги ривожланган давлатларнинг ишдан бўшаш харажатлари индикаторини таҳлил қилиш, Ўзбекистон Республикасининг "Меҳнат кодекси" янги таҳririда ходимнинг ишдан бўшатиш харажатлари ва огоҳлантириш муддатлари ўртача 17,3 ҳафтадан оширмаслик чораларини кўриш зарур.

Олтинчи кўрсаткич. Бизнесни қўллаб-қувватлаш сиёсати бўлиб, (1.3.1 Polices of doing business) ушбу кўрсаткич Жаҳон банки томонидан сўровнома ўтказиш йўли билан ўрганилади. Ҳозирги вақтда 22-ўринни ташкил этмоқда, Глобал инновацион индексида бизнесни қўллаб-қувватлаш кўрсаткичи бўйича Швецария 132 та давлат ичида 1-ўринни эгаллаб келмоқда.

Швейцария нисбатан кичик давлат бўлишига қарамай, у ҳорижий ва маҳаллий тадбиркорлар учун кўплаб имтиёз ва имкониятлар эшигини очмоқда. Авваломбор, давлат сиёсий барқарорлиги ва кучли валютага эгалиги рейтингда Швейцарияни юқори поғоналарга олиб чиқди.

Бундан ташқари давлатда солиқ тизими ва солиқ ставкаларининг пастлиги Европанинг қолган давлатларига нисбатан устунлигидан далолат беради. Швецариянинг бундай улкан тажрибаларини амалиётда кенг тадбиқ этиши мамлакатимизни олдига қўйган буюк мақсадга етиш учун муҳим қадамлардан бири ҳисобланади.

Еттинчи кўрсаткич Тадбиркорлик сиёсати ва маданияти бўлиб (Ease of resolving insolvency) кўрсаткичи Жаҳон банк томонидан сўровнома ўтказиш йўли билан ўрганилади, ҳозирги вақтда мазкур банд юзасидан маълумот тақдим этилмаган, натижада ГИИ рейтингида пастлашимизга сабаб бўлмоқда.

Шунинг учун, мазкур кўрсаткичга юқорилаш учун Давлат улушига эга тижорат банкларида трансформация жараёнларини якунлаш, 2026 йил якунига қадар банк активларида хусусий сектор улуши 60 фоизгача чиқариш, 2026 йилга бориб тадбиркорлик субъектларига солиқ юкламасини ялпи ички маҳсулотнинг 27,5 фоизидан 25 фоизи даражасига камайтириш, таълимнинг барча босқичларида яратувчанлик, инновацион тадбиркорлик ва рационализаторлик кўникмаларини ривожлантириш дастурларини жорий қилиш ҳамда кичик ва ўрта бизнес вакилларини замонавий билим ва кўникмаларини оширишга қаратилган доимий семинар-тренинг ташкил қилиш сингари зарур чора-тадбирларни амалга ошириш шартдир.

Хулоса қилиб айтганда юқоридагаи Бошқарув институтлари йўналиши бўйича қайд этилган ишларни амалга оширишимиз мамлакатимизнинг ГИИ рейтингида илғор давлатлар қаторидан жой олишига ҳизмат қилади ҳамда амалга ошираётган ишларимиз, ислоҳотларимиз, сай-харакатларимиз натижасида ГИИнинг поғоналарида мамлакатимизни инновацион имижини оширишда ҳамда ўз олдимизга қўйган 2026 йилга келиб ГИИ рейтингида жаҳоннинг 56 та илғор мамлакат қаторига киришига замин яратади.

ИҚТИБОСЛАР

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Т.2018, 19-20-бетлар.
2. https://gtmarket.ru/ratings/global-innovation-index
3. https://www.wipo.int/edocs/pubdocs/en/wipo-pub-2000-2022-section3-en-gii-2022-results-global-innovation-index-2022-15th-edition.pdf
4. https://uza.uz/uz/posts/singapur-uchinchi-dunyedan-birinchi-dunyega-31-01-2020
5. https://www.wipo.int/global_innovation_index/ru/2022/
6. https://www.wipo.int/global_innovation_index/ru/2022/